
МАРҒИЛОН ШАҲАР МУСИҚАЛИ МАҚОМ ТЕАТРИ УЧУН ТУРК МЕЪМОРЛАРИ ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ БИНО БАРПО ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Меҳмет Бекташ бошчилигидаги Туркиянинг Studio Vertebra меъморлик компанияси вакиллари қабул қилди.

Ўзбекистонда қатор муваффақиятли лойиҳаларнинг муаллифлигини қилаётган Studio Vertebra вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда компания томонидан Фарғона вилояти учун ишлаб чиқиладиган лойиҳалар ҳамда концепциялар муҳокама қилинди.

Хусусан, Марғилон шаҳридаги собиқ "AQUA PARK" ҳудудида жорий йилда қурилиш ишлари бошланиши режалаштириладиган Марғилон шаҳар мусиқали мақом театрининг 500 ўринли янги биноси лойиҳасининг якуний кўриниши вилоят ҳоқимига тақдим этилди.

Studio Vertebra меъморлари томонидан Фарғона шаҳрида Қиргули спорт-балиқчилик хўжалиги сифатида фойдаланиб келинаётган кўлни замонавий туристик хизматлар билан бойитилган чўмилиш ва дам олиш зонасига айлантириш бўйича лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилишига келишиб олинди. Ушбу ҳудуддан замонавий меҳмонхона, барча шароитларга эга пляж, сув бўйига жойлаштириладиган ресторанлар ва хизмат кўрсатиш шахобчалари ўрин олиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Шунингдек, вилоятимизда барпо этилиши кўзда тутиладиган Кўрғазмалар маркази лойиҳа концепцияси ҳам вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан Studio Vertebra компанияси билан биргаликда ишлаб чиқиладиган бўлди. Лойиҳа концепциясига кўрғазма павильонлари, бизнес маркази, 500 ўринли конференциялар зали ва бошқа объектларнинг киритилиши белгилаб берилди.

Учрашувда вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Лазиз Позилов ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-18 17:18:17